Инв. Гос. книжная палата УзССР 10 05 98

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 28 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 23 (7020)

Da'vat

Улуғ одам ҳеч вақт ёлғиз қолмайди. Тақдир уни қанчалар дўстларидан айирмасин, охир оқибатда у яна узига дуст топиб олаверади.

Р. Роллан

Ibrat

Тошкент давлат юридик институтида республикамиз ҳамда бир қанча хорижий ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ахборот кутубхонаси иш бошлади. Инглиз, узбек, рус тилларидаги ҳуқуқий адабиётлар билан бирча укувчиларга хизмат курсатадиган ушбу кутубхона таъминоти учун Сорос фонди 40500 АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ҳамда Тожикистон Президенти И. Раҳмонов 26 март куни Тошкентга келди.

Узбекистон Президентининг Дўрмон қароргоҳида юқори мартабали меҳмонларни Президент Ислом Каримов қарши олди. Шу ерда Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланди. Мулоқот чоғида Президентлар ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, халқаро ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоясига етгач, расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Учрашув кун тартибидан жой олган биринчи масала Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши бўлди. Томонлар ушбу масала бўйича ўз муносабатларини баён этди. Тожикистон Республикасининг ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисида якдил фикрга келинди.

Музокараларда халқаро консорциумлар тузиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (Спека), Марказий Осиё батальони («Центразбат») фаолияти, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, уч мамлакат Бош вазирлари Кенгаши раислиги, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида шу кунга қадар имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида давом этаётган ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ушбу шартнома доирасида йирик халқаро консорциумлар тузишга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолаш мумкин. Бу орқали минтақага чет эл инвестициясини жалб этиш имкониятлари янада кенгаяди. Музокараларда БМТнинг Эке, Эскато ташкилотлари, Россия Федерацияси вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Узбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг баёноти, халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги битим, шунингдек, «Центразбат-97» ўқув машқлари якуни ва «Центразбат-98» машқларини ўтказиш тўғрисида, шартнома доирасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш тартиби тўғрисида, тўрт мамлакат Бош вазирлари Кенгаши раиси ҳақида ва давлатлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарорлар, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури Спека тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган асосий масала мазкур шартномага аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида бўлди. Шу мазмундаги саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов, Тожикистон Республикасининг ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилганини муҳим воқеа сифатида таъкидлади.

— Ушбу воқеа бошқа мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортиши шубҳасиз, — деди Ислом Каримов. — Биринчидан, бу халқларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, ўтиш даври муаммоларини биргаликда бартараф этиш имкониятини кенгайтиради. Биз мавжуд табиий, иқтисодий, маънавий имкониятларимизни том маънода кенгайтираяпмиз. Узимизни бир бутун минтақа сифатида яна ҳам яққолроқ намоён этишимиз мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари фақат замонавийлик ёхуд интеграция учунгина ҳамкорлик қилаётгани йўқ. Бунинг асл сабаби биз тарихан ўзаро яқин халқлармиз. Ягона иқтисодий макон барпо этиш шартномаси доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда эса бир нарсани таъкидлаш керакки, бирон-бир томоннинг манфаатларига зид келадиган қарор қабул қилмаймиз. Мавжуд қарорлар олдимизга қўйган мақсадларимизга мувофиқдир. Яна бир карра айтмоқчиманки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Бугунги учрашувда қабул қилинган баёнотда олдимизга қўйган мақсадимиз аниқ баён этилган. Фурсатдан фойдаланиб, учрашув иштирокчилари ва улар орқали қардош мамлакатлар халқларини барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Наврўз байрами билан қутлайман.

Матбуот анжуманида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани Президентлар томонидан таъкидланди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев барча интеграцион блоклар ичида айнан Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграцияси йўлида имзоланган ҳамма ҳужжатлар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини айтди.

Президентлар МДҲ доирасидаги воқеалар, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда иқтисодиётга тааллуқли масалалар юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этдилар.

Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Тошкент доимо муҳим қарорларни қабул қилишга кўмаклашиб келган, деган сўзлари Тошкент учрашувининг аҳамиятини яна бир карра таъкидлагандек бўлди. Ёдимизда борки, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома ҳам бундан тўрт йил муқаддам Тошкентда имзоланган эди.

Сўнгра Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давлатлараро кенгаш мажлиси тугаганидан сўнг олий мартабали меҳмонлар Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентда қад кўтарган янги иншоотлар билан танишдилар.

Меҳмонлар дастлаб ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки янги биносига ташриф буюрдилар. Йигирма икки қаватли бу пурвиқор бино ўз салобати билан Тошкентнинг ғурурию, мамлакатимизнинг фахрига айланган обидалардан биридир. У ўзининг улуғворлиги, ҳашамдорлиги ҳамда нозик ва нафис ишлангани билангина эмас, балки энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани, мижозлар учун яратилган қулайликлари билан ҳам меҳмонлар диққатини тортди. Давлат раҳбарлари бу ерда ишнинг қандай йўлга қўйилгани, хусусан, банк операцияларини амалга ошириш жараёни, ахборот алмашув, тезкорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг олий даражали меҳмонлар «Юнусобод» теннис мажмуини бориб кўрдилар. Ушбу ажойиб мажмуанинг тўрт мингга яқин томошабинга мўлжалланган, устки қисми очилиб-ёпиладиган ҳашаматли теннис саройи меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Теннисдан ташқари спортнинг бошқа турларини ҳам ўтказишга мослаштирилган мазкур сарой ўзининг ташқи ва ички кўриниши, Шарқу Ғарб меъморчилиги ва санъати уйғунлашиб кетган безаклари билан давлат раҳбарларининг диққатини жалб этди. Теннис мажмуи кўздан кечирилар экан, меҳмонлар бу ерда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Президент кубоги» мусобақалари, бошқа бир қанча тадбирлар ҳамда мажмуанинг барпо этилишига доир кўплаб саволларга жавоб олдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатда спортни кенг тарғиб қилиш ва уни ривожлантиришга катта эътибор бераётганини юксак баҳоладилар.

***

27 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган уч қўшни мамлакат раҳбарлари — Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг янги биносига ташриф буюрдилар. Пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган, ўзида замонавий ва анъанавий меъморчиликнинг кўплаб услубларини мужассам қилган, жозибадор нақшлар ва ўймакорлик санъатининг нафис намуналари ҳамда нозик безаклар билан ишланган ушбу бинони меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Меҳмонлар бу ерга ташриф давомида Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз берган сўнгги янгиланишлар, парламентлараро алоқалар қай даражада ривож топаётгани ҳақида батафсил маълумот олдилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов президентларга Олий Мажлиснинг эсдалик нишонларини топширди.

Шу куни олий мартабали меҳмонлар ўз юртларига жўнаб кетдилар. Пойтахт аэропортида меҳмонларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎзА)

СУРАТДА: суҳбат пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат

Munosabat

ТЕАТРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Янгиланиш дегани эскиликни батамом йўқотиш дегани эмас. Аксинча, эскиликни ўрганиш ва энг асосийси уни бойитиш, тарғиб қилиш, замон оҳангига ҳамоҳанг этишдир. Шу кунларда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони ҳам халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган театр санъати анъаналарини ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш каби олий мақсадларга йўғрилган.

Закийлардан бири, «Театр — ҳаёт кўзгуси» дея таъкидлайди. Аслида эса нафақат санъат, балки жамиятдаги ҳамма жабҳаларни ўз даврининг қайсидир маънодаги кўзгуси дейиш мумкин. Мана кечаги собиқ тузумнинг пала-партиш сиёсати асоратини ҳали-ҳануз унутолмай оворамиз-ку! Шу боис фармоннинг 9-бандида томоша санъатини ривожлантиришнинг туб илдизини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилганким, у қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, қўғирчоқ театри, кино, телерадио, саҳна рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

Эртанги куннинг тамал тоши бугун қўйилади. Дарҳақиқат, мазкур фармон ҳам бугунги театр санъатини ривожлантириш тўғрисида, бу эса эртанинг ўзига хос санъатини бунёд этиш демакдир.

Алишер НАЗАРОВ

Slyot

ЕТТИНЧИ БОР БАҲОР ГУЛЛАДИ

Ҳар йили анъанавий ўтаётган иқтидорли йигит-қизларнинг республика VII слёти куни кеча ниҳоясига етди. Республика ўқувчилар саройи шу кунлар ичида янада файзли гўшага айланди. Унда ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик, экология, адабиёт ва санъат соҳасида вилоятлардан келган ўқувчилар яна бир бор ўз билимларини синовдан ўтказишди. Ушбу анжуманда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев иштирок этиб, ўқувчиларнинг ижоди билан танишди, уларга юқори баҳо берди. Ушбу танловда Навоий вилояти, Сурхондарё вилояти, Наманган ва Хоразм вилоятларидан келган ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўпчиликнинг эътиборига тушди. Айниқса, навоийлик Н. Жабборовнинг, сурхондарёлик З. Раҳимоваларнинг зардўзлик ишлари, хоразмлик иштирокчи Ш. Султоновнинг «Сурнайчи», «Паҳлавон Маҳмуд» номли ижодий иши йиғилганларга манзур бўлди.

Юқорида биз ўқувчилар саройини файзли гўшага айланганлигини айтдик. Сабаби, бир ёнда шоирларни, бир томонда эса қўшиқчиларнинг чиқишлари, ёш рассомларнинг кўргазмалари бу ерга юзлаб томошабинларни жалб этди. Қисқаси, ушбу анжуман ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишишингиз мумкин.

Х. АБДУРАҲМОНОВ

УЛУҒ МУҲАДДИС
3-бет

ОЗОД ЮРТ БОЛАЛАРИ КУЙЛАЙДИ
4-бет

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ Президенти Уильям Ж. Клинтон Ийд ал-Адҳа — Курбон ҳайити муносабати билан табрик хати йўллаб, унда Ўзбекистон фуқароларига ҳамда йўлбошчисига ислоҳотлар йўлида улкан муваффақиятлар, самимий тилакларини изҳор этган.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Иордания» ва «Ўзбекистон — Литва» дўстлик жамиятлари таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

● Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри ҳовлисида бўлиб ўтган Халқаро театр кунига бағишланган «Театр, оила ва экология» мавзусидаги

JUMLADA JAHON

тадбирда театр санъатининг жамиятдаги мавқеи ва аҳамияти хусусида сўз кетди.

● Шу кунларда янги биносига пойдевор тоши қўйилган Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институти ўқитувчию талабалари 2000 йилда Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида бунёд этилиши кўзланаётган, бағрига уч мингга яқин талабани оладиган замонавий билим масканига эга бўлишади.

● Россия Президенти Б. Ельцин ҳукуматни истеъфога чиқарганлигини эълон этиб, бу қарор Россия ички ва ташқи сиёсатига ҳеч қандай таъсир этмаслигини билдирди.

● АҚШ ва Грузия ҳарбий идоралари раҳбарлари томонидан Пентагонда бу иккала мамлакатнинг мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик қилиши тўғрисида битим имзоланди.

Olimpiada —98

БУГУН ЯКУНЛАНАДИ

Газетамизда хабар берганимиз — фанлар бўйича республика олимпидасининг якуний босқичи ўз ниҳоясига етди. Вилоят ва туманлардан келган ўқувчи ёшлар барча фанлар бўйича билимлар билан нечоғлик қуролланганликларини намойиш қилдилар. Нима эксанг, шуни ўрасан деганларидек, беллашув иштирокчилари ўз меҳнатлари самарасини кўрдилар. Пойтахтимизга ташриф буюрган билимдон ёшлар хотирасида қизғин кураш, биринчи бўлиш иштиёқи узоқ вақт сақланиб қолса ажаб эмас. Олимпиада иштирокчилари янгиланиб бораётган Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриб, бир олам қувонч олдилар.

Олимпиаданинг республика босқичида ҳар бир иштирокчига билимларини тарозида тортиб кўриш ва ошкора баҳолаш шароити яратилди. Шунингдек, янги дўстлар орттириш, маълум фанлар бўйича тажрибалар алмашиш ва ҳамкорлик қилиш имконияти пайдо бўлдики, бу алоҳида фанлар бўйича иш олиб борувчи ўқитувчилар ва ўқувчилар учун жуда муҳимдир. Айни шу нарса келгуси билим савиялари ва кўникмаларнинг ривожини кафолатлайди. Қолаверса, ҳар бир олимпиада иштирокчиси ўз вилояти, тумани, жонажон мактаби шарафини ҳимоя қилди. Бугун якунланадиган республика олимпиадаси натижалари билан келгуси сонларимизда батафсил танишиб оласиз.

Ф. КАРИМОВ

ЖУРНАЛИСТЛАР ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Оммавий ахборот воситалари учун зарур бўлган асосий қонунлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар журналистларга катта ҳуқуқ берди. Навбатдаги вазифа — уларни ҳаётга татбиқ этиш. Хўш, улардан журналистларимиз қай даражада фойдаланаяптилар? Ёзилаётган мақолалардаги таҳлил нега чуқур эмас? Нега муаммоларнинг негизи далиллар орқали дадил очиб берилмаяпти? Хабарларда нега тезкорлик, янгилик етишмайди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кеча бошланган, бугун эса давом этадиган «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга таҳлилий-танқидий қарашни кучайтириш» мавзуидаги семинар-кенгашда ана шу саволларга жавоб изланмоқда.

Семинар-кенгашнинг биринчи куни маъруза ва мунозараларидан маълум бўлдики, ҳали журналистларнинг, хусусан, таҳририятларнинг олдида турган қатор вазифалар талайгина экан. Дейлик, таҳририят ўз ўқувчиси ёки томошабинини кўпайтириш учун уларга қизиқарли бўлган мавзуларни ёритиб, яъни муаммоларни ўрганиб, чуқур таҳлил этиб ўқувчилари ҳукмига ҳавола этиши керак. Бунинг учун журналистларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятларини тўла англаб етиш даражасига олиб чиқиш керак. Шу билан бирга таҳририят, тўғрироғи раҳбар бозор иқтисоди шароитига мослашиб, ходимларининг ижтимоий ҳимоясини йўлга қўйиши ва шундан кейин улардан иш талаб қилиши лозим бўлади. Бунда муаммолар чиқиши табиий. Шу каби яна қатор масалалар семинар-кенгашда муҳокама қилинади.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев Оммавий ахборот воситаларининг олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимовнинг «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантиришнинг асосий тамойиллари» мавзуида, Олий Мажлис ахборот ва матбуот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимовнинг «Оммавий ахборот воситалари тараққиётининг ҳуқуқий кафолатлари. Ҳуқуқий-танқидий таҳлил» мавзуидаги ва бошқа маърузалар тингланди, атрофлича муҳокама қилинди. Якуний хулосалар ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Азамат Зиёев қатнашди.

Ҳ. ОМОНОВ

MMM XABARLARI

«ЁШ МУХБИРЛАР» ИШ БОШЛАДИ

Чортоқдаги вилоят иқтидорли болалар мактаб-лицей қошида кўпгина тўгараклар қатори «Ёш мухбирлар» гуруҳи ҳам фаолият бошлади. М. Тўхтаназарова, Н. Усмонова, Д. Алиназарова, М. Орипова, З. Абдураҳмоноваларнинг илк ижодий машқлари туманнинг «Чортоқ ҳақиқати» рўзномасида «Сандувоч» рукни билан эълон қилинди.

Тўгаракнинг самараси туман радиоэшиттиришининг болалар ва ўсмирлар учун «Порлоқ келажак» эшиттиришида ҳам ўз аксини топаётир. Иқтидорлилар истеъдодини юзага чиқаришда заҳматкаш муаллимлардан М. Усмонов, С. Исмоилов, М. Дадабоев, Ғ. Пўлатовлар иши таҳсинга лойиқ. Ҳар бир материал мазмунли сценарийлар асосида тайёрланади.

Яқинда ўқувчилар Президентимиз И. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида адабий-бадиий композицион чиқиш ҳам уюштирдилар.

Т. ДЕҲҚОНОВА,
лицей муаллимаси

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

Балиқчи туманидаги 7-ўрта мактаб ҳовлиси яна мактаб жамоаси ва қишлоқ аҳли билан гавжум бўлди. Баҳорий байрамлар қаторида катта юбилей тўйи ўтказилди. 6 нафар устозларнинг 35-40 йиллик таълим соҳасидаги меҳнатларига якун ясалиб, тантанали равишда нафақага кузатилдилар. Уларнинг таълимни янги Қонун ва Дастур асосида давом эттиргувчи шогирдларига ишончи чексиз. Меҳнат жамоаси кекса устозларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топшириш баробарида билдирилган ишончни оқлаш йўлида тинмай меҳнат қилишга бел боғладилар. Ушбу тадбир барчани мамнун этди. Мактаб директори устозлар фаолияти самараси ва салмоғи тўғрисида сўз юритиб, барча ёш муаллимларни улардек бўлишга ундади.

Роҳатой КОМИЛОВА,
ўқитувчи

ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги ҳунар лицейи спорт залида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги болалар ва спорт мактаблари ўртасида вилоят IV спартакиадаси дастуридаги волейболчи қизлар мусобақаси бўлиб ўтди. Икки гуруҳда 12 жамоа иштирок этган мусобақада Самарқанд шаҳридаги халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қизлари гуруҳда 1-ўринни олиб, Ургут тумани халқ таълими қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қизлари билан финал босқичга йўлланма олдилар.

Қизиқарли ўтган ўйинда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими волейбол мактаби жамоаси биринчи ўринни эгалладилар. 2-ўрин Ургут туманидаги 1-спорт мактаби волейболчи қизларига насиб этди. 3-ўринни эса Жомбой тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қизлари эгалладилар.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга вилоят халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЯНА КУН ТАРТИБИДА

Республика Халқ таълими вазирлиги узлуксиз таълимни замон талаби даражасида ташкил этиш, ислоҳ қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги тадбирларни режали ва илмий асосланган тарзда йўлга қўйиш мақсадида «Маърифат» газетасининг 1997 йил февраль ойида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш бўйича энг яхши дастур учун танлов эълон қилган эди.

Танловга 13 та олим ва амалиётчи муаллифлар гуруҳидан 33 та номдаги дастур ва ишланмалар тавсия этилган. Ўтган йилнинг декабрь ойида ХТВ да ушбу танловнинг якуни кўриб чиқилди. Танловда назариётчилар билан амалиётчилар фикрларининг уйғунлашуви жуда қувончли бўлди. Чунки ҳамфикрлик кутилаётган натижанинг амалга оширишда асосий омил бўлиши табиий.

Танловда қўйилган шартлар асосида кўриб чиқилган дастур ва ишланмалар орасида биринчи ва иккинчи ўринга лойиқ дастур йўқлиги қайд этилгани ҳолда, уларнинг ичидан дастур учун манба бўладиган 3-4 та иш саралаб олинган эди. Мазкур дастурлар ва ишланмалар умумлаштирилиб бола ривожланиши ва уни мактабга тайёрлаш жараёнлари қамраб олинган ягона (таянч) дастур яратиш ЎзПФИТИга топширилган эди.

Ўтган чоршанба куни РТМда мактабгача таълим илмий-методик кенгаши кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгашда ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ. Аҳмедова болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурининг ЎзПФИТИ илмий ходимлари томонидан қайта кўриб чиқилган варианти муҳокамаси ҳақида қисқача сўзлади.

Республика ПФИТИ директорининг муовини Қ. Йўлдошев мавжуд 3 та дастур асосида тайёрланган ҳужжатда асосан оилада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, болалар психологияси очиб берилганлиги, шунингдек 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабга тайёрлаш борасида фикр юритилгани ҳақида тўхталди. Жумладан, умумлаштириш жараёнида эса дастурга чақалоқлик давр қўшимча қилиб киритилгани, бунда чақалоқ туғилгандан мактабгача даврда соғлом авлодни вужудга келтириш, бунинг учун вақтида эмизиш, сайр қилдириш, дам олдириш, боланинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, маънавиятни шакллантириш, мураббийлар болани ўз фарзандларидек севиши лозимлиги қайд этилган.

Йиғилишда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди.

— Мавжуд дастурларга қўшимча таклифлар ҳам кўзга кўриниб қоляпти, — деди Жўра Ғаниевич. — Бундан беҳад хурсандман. Етти йил мобайнида бу 3-дастурдир. Аслида дастур ўн йилда ўзгариши лозим.

Хуллас дастуримиз мукаммал, ҳаммабоп, универсал бўлиши, жамиятимизнинг, боғчаларимизнинг мулки бўлиб қолиши керак.

Йиғилишда Гулистондаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуаси директори С. Миржалилова, РТМ ходимлари Н. Ҳакимова, К. Маҳкамжонов, психолог С. Охунжонова, ВПХМОИ мактабгача таълим бўлимлари ходимлари, амалиётчилар сўзга чиқишиб, таянч дастур ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Ҳурматли тарбиячилар, мутахассислар! Дастур барча вилоятларга юборилди. Дастур юзасидан илмий методик кенгашда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни Халқ таълими вазирлигига юборишингизни, муаллифларга билдирилган эътироз ва фикрлар ёзма равишда берилишини сўраймиз. Дастурга бағишланган коллегия йиғилишида ҳар бир вилоятдан вакиллар иштирок этиши лозим.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Aks sado

ҚУВОНИШ КЕРАК

«Маърифат» газетасининг 1997 йил 20 декабрь сонидаги Ғайрат Мажиднинг «Ношукурлик»ми? сарлавҳали мақоласини ўқиб, ўз фикрларимни айтмоқликни лозим топдим.

Аввало шуни қайд қилмоқчиманки, муаллифнинг баҳслашган дўсти ҳақида бир нима дейишдан тилимни тийдим. Чунки муаллиф дўстининг дилидаги ўйлари менга қоронғи, албатта. Гап тадбиркорлар ҳақида экан, умуман уларнинг ишларига бир оз тўхталмоқчиман, холос.

Халққа фойдаси тегиши йўлида ҳалол меҳнат қилиб, фақат ўз манфаатини ўйламай, кўпчиликка яхшилик қилиш ниятида бўлган ишбилармон тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлашимиз жуда ўринли деб биламан. Айтайлик, тадбиркорларимиздан бир нечтаси ўзлари яшаб турган маҳаллаларини обод қилиш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатларининг нимаси ёмон? Тўғри, ҳар бир тадбиркор ҳам қилаётган хайрли ишлари натижасида орттирган даромадидан ўзи ҳам манфаат топиши ҳаммамизга яхши аён. Лекин ҳақиқий тадбиркор фақатгина ўзини ўйламайди.

Биргина мисол билан фикримни ойдинлаштиришга ҳаракат қиламан. Тошкент туманидаги «Мирзиёд» хусусий фирмаси ўз иш фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб тадбиркор ака-ука Солиевлар (улар беш ака-ука) туманнинг Сабзавотчилик институтига қарашли тўрт гектар ердаги иссиқхонани ижарага олишиб, унга помидор, бодринг, гул экишади. Маҳаллий аҳолидан 40 киши иш билан таъминланди. Ишчиларга ойлик билан бирга вақти-вақти билан пул мукофотлари бериб борилди. Натижада аҳил оға-иниларнинг меҳнати самара бера бошлади. Йилдан-йилга иссиқхонадан тушган даромад кўпая борди. Ишбилармонлар туманга қарашли жойларда учта озиқ-овқат дўкони, 2 та дорихона, шунингдек, 15 га яқин чеварлар ишлайдиган тўқув цехи очишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирги кунда «Мирзиёд» хусусий фирмасининг тармоқлари кенгайиб, уларда 100 га яқин ишчи аҳолига хизмат қилмоқда.

Демак, хайрли ишлари билан одамларга яхшилик қилиб, эл оғзига тушаётган тадбиркорларимизга ғийбат ва ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан қарайлик-да, ўзимиз ҳам қўлимиздан келса, халққа заррача бўлса ҳам нафимиз тегишини ўйлаб иш тутайлик. Жуда бўлмаса, улар ҳақида икки оғиз ширин сўзимизни дариғ тутмайлик.

Менимча, тадбиркор ўз манфаатидан халқ манфаатини юқори қўйиб, тер тўкиб қилган меҳнати эвазига, аввало одамларга нафи тегаётган бўлса, шу билан бирга ўзи ҳам озми, кўпми манфаат топаётган экан, бу фақат қувонарли ҳолдир.

Собиржон БОБОМЕТОВ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ҳаётга татбиқ этишда тармоқ касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларнинг вазифалари ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги мавзу бўйича ўтказиладиган ҳудудлараро ўқув-семинарининг дастури ва жадвали ишлаб чиқилди.

Мазкур ўқув-семинарининг мақсади, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар ва узлуксиз таълим тизими раҳбар ходимларининг таълимни ташкил этиш ва миллий Дастурни ҳаётга татбиқ этишдаги иштирокини таъминлашдан иборат.

Ушбу ўқув-семинарнинг илк босқичи 1998 йилнинг 12-13 март кунларида Тошкент вилояти педагогика билим юрти, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти даргоҳларида ўтказилди. Бунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари касаба уюшмаси қўмиталари, Тошкент шаҳри ва вилояти касаба уюшмаси қўмитаси раислари билан биргаликда улар таркибидаги туман, шаҳар қўмиталари ходимлари ва фаоллари иштирок этдилар.

САМАРАЛИ СЕМИНАР

Ўқув-семинарни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуғаниев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ўқув-семинарнинг дастурий режаси ва мақсади билан таништириб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимининг муовини А. Раҳимбердиевнинг «Тошкент вилоятида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этишдаги олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар», тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуғаниевнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг амалга оширилишида тармоқ ходимлари, талаба ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя этишда касаба уюшмаси қўмиталарининг вазифалари ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш» ва шу каби бошқа мавзулар ўртага ташланди.

Ўқув-семинар иштирокчилари Тошкент техника университети таркибидаги гимназия-мактабида, Тошкент вилоят педагогика билим юрти муассасасида бўлишиб, бу даргоҳларда таълимни янги технология асосида ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастурини амалга оширишдаги ишлари билан танишдилар.

Ўқув-семинарнинг якуни сифатида давра суҳбати ўтказилди.

М. ЎРИНБОСАРОВА,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси раиси

Ayyom kundaligi

НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 28-ўрта мактабда Наврўз тантаналари ҳамда III чорак якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда мактаб жамоаси, Урганжи қишлоғи аҳли, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тантанали йиғилишда мактаб директори Некбой Нурқулов, илмий бўлим мудири Ўмирбек Ёдгоров сўзга чиқиб, йиғилганларни улуғ айём — Наврўз байрами билан қизғин табриклашди. Шунингдек, III чоракни муваффақиятли якунлаган ўғил-қизларнинг ота-оналарига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Хуллас, мазкур йиғилиш Наврўз тантаналарига уланиб кетди...

Ж. ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат» мухбири

САХОВАТ БАЙРАМИ

Наврўз байрами баҳор фасли тугагунча нишонланадиган бўлди. Жиззах шаҳридаги Меҳрибонлик уйида ҳам бу байрам хайр-саховат тадбирига айланиб кетди. Аввало, мазкур йилда меҳрибонлик уйида 25 миллион сўмлик таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ишда вилоят халқ таълими бўлими бош-қош бўлди. Байрам тадбирида эса ҳар бир болакайга алоҳида эътибор кўрсатилди. Хусусан, Жиззах шаҳар ҳокими С. Худоёров ҳокимлик номидан ҳар бир болага кийим-бош, тозалигини сақлаш учун зарур бўлган нарсаларни ҳадя этган бўлса, бошқа ҳомийлар — Жиззах педагогика институтида ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси болаларнинг ўн нафари учун ҳар бирига беш минг сўм ёзилган омонат дафтарчаси ва зарурий дори-дармонлар топширишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса меҳрибонлик уйига магнитофон ажратди. Шу куни болалар мазза қилиб байрам қилишди.

Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субҳонова қатнашди.

МУХБИРИМИЗ

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАК БОЛАЛАР МАКТАБНИ СЕВИБ ҚОЛАДИЛАР?

Маълумки, ўқитувчилик ғоят масъулиятли, муҳим ва шарафли касб. Жамият ривожи, миллат тақдири, шунингдек Ватан тараққиёти кўп жиҳатдан ана шу ўқитувчига боғлиқ. Унинг касбга садоқати, маънавий қиёфаси, билими ва шижоати келажагимизни белгиловчи омиллардан ҳисобланади.

Ҳозирга келиб ўқувчиларнинг 15-20 фоизигина мактабни севади, деярли барча фанларни «аъло»га ўзлаштиради. Эндиги муҳим вазифа, ўқувчиларимиз мактабни севиб қолишлари учун нима қилиш кераклигини ҳал қилишдан иборат. Бизнингча, баҳолаш вақтида ўқувчига баҳоси ўз меҳнати маҳсули эканлигини айтиб ўтиш ва яна ҳам яхши баҳо олиши мумкинлигини таъкидлаб қўйиш керак. Интизом ва билимига қараб муомала қилмаслик, аксинча боланинг руҳий ҳолати ва қобилиятини эътиборда тутиш зарур.

Фанларни ўқитишда дарсларни «қолип»дан олиб чиқиб қизиқарли ҳамда самарали ташкил қила олишлик муҳимдир. Масалан, ўқиш дарсларида «Ким тез ўқийди», «Ким ифодали ўқийди» каби ўқувчиларни бирдек фаолликка ундовчи усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Математика ва она тили каби муҳим дарсларда дидактик материаллардан фойдаланиш ҳам қизиқиш уйғотади. Ҳар бир дарс жараёнида ўқувчилардаги қизиқишни тўғри тушунишимиз, имкон қадар компьютердан, телеаппаратлар ва техник воситалардан фойдаланишимиз давр талаби бўлиб қолди. Ўқитувчилар билан ота-оналар бирга ўйлаб кўрсалар, шунга интилсалар ўқувчилар дарсдан сўнг уйига кетмай, тўгаракларга ёки кутубхоналарга боришади, деб умид қиламиз.

М. ЮНУСОВ,
196-ўрта мактаб олий тоифадаги бошланғич синф ўқитувчиси
М. МАҲМУДОВА,
ижтимоий йўналишдаги махсус республика гимназияси 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

Yaxshi kishilar oramizda

ТАҚДИР

Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари барчамизга ёд бўлиб кетган:

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона...

Руқия опа негадир ушбу сатрларни тез-тез эслайди. Гўёки шоир айтмоқчи бўлган гап ўзига тегишлидек. Ёши бир жойга етди. Умр йўлининг асосий қисми ортда қолди. Тақдиридан эса у рози...

Эҳ-ҳе, ўшандан бери қанча сувлар оқиб кетди. Онаизоридан бевақт жудо бўлган Руқияга турмушнинг анча-мунча «чиғириқ»ларидан ўтишга тўғри келди. Ҳаёт — синовлар мактаби. Онасизликда бу синовлар ўн карра кучаяди. «Онам бўлганида бу азобларга дучор бўлмасмидим», дея эзиларди ёш қиз. Бироқ суянчиғи бор экан. У бувисининг меҳр тўла оғушида улғайди.

Руқия Саломова 1970 йилда тумандаги 4-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тугатди. Етуклик шаҳодатномасини бувижонига кўрсатиб, унинг бўйнига осилди. Кампир кўзларига ёш олиб, Руқиянинг ипакдек майин сочларини силаркан:

— Онанг бўлганда, қанчалик боши осмонга етарди, — деди овози титраб. — Сени еру кўкка ишонмасди...

Руқия кўнгли алланечук бўлиб, уйга кирди, ўзини тўшакка отди. «Онажоним тирик бўлганида қанчалик суюнарди». Унинг бўғзидаги нидо йиғига айланди. Ўша тунда тушига онажони кирди. Узун, оппоқ либосда эмиш. Бутун вужудидан оқиш нур ёғилиб то руҳи поклари ҳам эзгулик учун хизмат қилади-я?!

Руқия она руҳи билан яшади, унинг ундовларига интилди. Яхши кишиларнинг мадади билан 1980 йилда Самарқанд давлат дорилфунунининг тарих факультетини муваффақиятли тамомлади. Диплом олган куни онасининг суратини бағрига босиб, унга илтижоли термулди: «Мана, онажоним, турармиш. Қизининг қўлларини юзига суртиб кулар, лекин ҳеч нарса демасмиш. Ниҳоят, онаизорининг қўнғироқдек майин овози эшитилибди:

— Қизгинам, мен сенинг муаллима бўлишингни орзу қилардим. Сен муаллима бўлишинг керак.

Ажабо, оналарнинг ҳатқизингиз сиз орзу қилгандек муаллима бўлди. Мени ҳар дам сизнинг руҳингиз қўллаб-қувватлади».

Тайлоқ туманидаги 10-ўрта мактаб тарих фани ўқитувчиси Руқия Саломова ҳаёти билан боғлиқ кечинмалар уни мактабга боғлади. У ўз бахтини мактабда деб билди. У севган касбига етишишдек бахтга муяссар бўлса-да, ҳаёт уни бошқа не-не синовлар билан «сийламади» дейсиз?! Севикли бувижонидан, отажонидан айрилди. Опасининг ўғли Абдуҳамидни ўз қарамоғига олди...

«Соҳибкор» жамоа хўжалигининг Дўлта қишлоғида каттаю-кичик Руқия опани билишади, унга ҳурмат бажо келтиришади. Турмуш машаққатларига бўй бермаган, уларни босиқлик ва матонат билан енгиб, ўз тақдири «биноси»нинг нурашига йўл қўймаган, уни тиклаган ва тиклаётган фидойи инсонга таъзим қилгингиз келади.

Дарҳақиқат, Руқия опа ўз кечмишидан мингдан-минг рози. Маоши қозон қайнатишдан ортмаса-да, турмушидан нолиган эмас.

Руқия Саломованинг ҳаётда шиорлари кўп. Улар ичида энг муҳими эса шудир:

ТЎРТ МУЧАНГ СОҒОМОН БЎЛСА, ШУНИНГ ЎЗИ КАТТА ДАВЛАТ.

Абдулла НИСОРОВ

Mulohaza

ИНКОР ЗАМИРИДАГИ ДАВОМАТ*

Бола тарбиясида водийлик дўстларини кузатган, чет эл педагогикасига оид китоблардан хабари бор Мурод оиласида болаларини эркин ўстирди. Янги олиб келинган уйинчоқ ўғли Норали томонидан бир бошидан ечилиб, бузилиб қайта терилишига қаршилик қилмади. Ўғли уйинчоқни қайта теролмаган пайтида унинг ёнида ёш боладай бирга терлаб-пишиб ёрдам берди ва ўғлининг уйинчоқ қайтадан тузатилиб юргизилган пайтида қувонганини кўриб, алоҳида қувонди. Чунки айнан мана шу йўл билан у Норалига уйинчоқларни, кейинчалик эса бутун уй асбобларини тузатишни ўргатди. Ҳа, шунинг учун ҳам, тўрт ёшли Норали ўзи мустақил равишда магазинга чиқиб, кичкинагина бармоқчасини кўрсатиб, «менга мана бунча нон беринг», деб юрганини кўрган қўшни ва танишлар бир пайтлар Муродни оқлашмаган эди. Лекин, бугунги кунда ҳаёт бутунлай бозор муомаласига ўтган бир пайтда Муроднинг ўғли Норали институтга ўзи кирди, ўқиб юрган пайтидаёқ бир корхонада ишлади, ўқишни битирмасдан хизмат поғонасидан юқори кўтарилди, институтни битирганданоқ, мана бир корхонанинг бошлиғи этиб тайинланди.

Одатда, Мурод бу ҳолни жуда оддий тушунтиради. Болалари ҳақида, мен уларга ҳеч нарсани қаттиқ айтмаганман, бир кун билиб олар, деб кутмаганман ҳам. Умуман улар билан узоқ, узоқ суҳбатлашишни яхши кўраман, дейди. Болалари ўзи учун ажойиб, диллари очиқ, мулоҳазали суҳбатдошлигидан алоҳида бир фахр билан қувонади. Шунинг учун ҳам унинг болалари мулоҳазали суҳбатдош, фикр доиралари кенг инсонлар бўлиб ўзларини ўтга-сувга урмайдиган ажойиб инсонлар бўлиб етишган.

МАКТАБ ҲАМ БИР ОИЛА

Бирон бир боланинг бирор ножўя ҳаракатини кўрган кишининг, одатда, айтадиган гапи, буларни мактабда нимага ўргатишади, тарбия ҳам шунақа бўладими, деб ҳарҳаша кўтариш бўлади. Ёнида турган киши ҳам ўз мисолини қўшиб, мактабни болага тарбия бермаганликда айблайди.

Бу унчалик тўғри бўлмаган эътироз. Чунки болага асосий тарбия уйда, «қуш инида» берилади. Мактабда эса болага билим берилади ва унинг тарбиясининг баъзи томонларигина давом этдирилади, мустаҳкамланади. Бу жойда биз, руҳшуносларнинг фикрини келтириб, бола шахсининг 3—4 ёшга келганда асосан шаклланиб бўлишини айтиб ўтсак, юқоридаги эътирозларга салкам ўрин қолмайди. Демак, бола тарбияси оилада олиб борилади ва мактабда давом этдирилади, ҳаётий тажрибага, амалиётга олиб чиқилади.

Айтиш лозимки, мактаб ҳам бир оиладай гап. У ҳам жамиятдан узилган ҳолда ҳаёт кечирмайди. У маконда ҳам уша-уша, оилаларда тарбия олган одамлар, фақат касби ўқитувчи инсонлар ишлайди.

Касби ўқитувчи инсонлар дейишимизнинг сабаби, ўқитувчилар орасида ҳақиқий ўқитувчилар, масалан, 50—80 фоизни ташкил қилса, улар орасида ҳақиқий тарбиячи ўқитувчилар 15—20 фоизни ташкил қилиши мумкин. Бу рақамлардан ўта ҳаяжонга тушмаслик керак, ноёб ўқитувчилар қанчалик кам бўлса, истеъдодли тарбиячилар ҳам шунчалик кам учрайди.

Ҳам ноёб ўқитувчи, ҳам истедодли тарбиячилар эса, кўриниб турибдики, бу рақамлардан ҳам икки баробар кам бўлиши мумкин.

Мактабдаги тарбияга келсак, бу алоҳида чуқур таҳлил қилинадиган мавзу. Биз мақоламиз мавзуси юзасидан ёндошиб, фақат мактабдаги ўқитувчи шахснинг ўқувчи тарбиясида намоён бўладиган йўналишини ўта қисқа ҳолда, фақат оила тарбияси давоми сифатидагина ёритиб ўтмоқчимиз. Қуёш ҳар куни чиқиб келишини билган ва бунга ҳайратланиб қарашни унутиб улгурган ўқитувчи синфдаги болаларга ҳам, ҳар бола бир олам, деб назар ташламайди. Уз дарсини амал-тақал қилиб ўтади-да, бу дарс жараёнидан қайси бола нима олганлиги билан қизиқмайди. Чунки бундай ўқитувчининг ҳаётий тамойили, керак бўлса ўрганиб олсин, мен айтиб ўтдим, устимга юкланган бурчимни адо қилияпман, мендан яна нима керак, деган йўналишда бўлади.

Иккинчи хил ўқитувчилар, булар болалар тилида ҳар хил лақаблар билан аталиб, ўз қаттиққўлликлари билан болалар орасида, одатда, салбий томонлари билан ғалатмашҳур бўладилар. Бу турдаги ўқитувчилар, уйда болаларини зир қақшатган ота-оналардай таълимда фақат қаттиққўллик ижобий натижа беради, деб ўйлашади. Бундай ҳолларда киши ўйга толади, наҳотки бу ўқитувчилар «урсанг эти қотади, суксанг бети қотади», деган мақолни билишмаса? Аммо болалар бу ўқитувчиларнинг дарсларини тўлиқ ўзлаштириб, топшириқларини бажарсалар ҳам, бундай ўқитувчиларнинг фанларига қизиқувчилар, издошлари кам бўлдаи.

Учинчи хил турдаги ўқитувчилар, болаларга чегара доирасида эркинлик яратиб беришади, улар билан дўстлардай ўз фани ҳақида узоқ суҳбатлар қуради, ҳатто фанларининг ечимини кутаётган муаммоларини кўрсатиб, болаларни қизиқтиради. Бундай ўқитувчилар ўқувчиларнинг ёдидан бир умр чиқмайди.

Биз ҳаммамиз, одатда ўқитувчиларнинг учала турдагисини ҳам ўзимиз ўқиб юрган давримизда, ўз мактабимизда учратган бўлишимиз мумкин.

Мана, ўз ҳаётимдан бир мисол келтирай. Мактабимизда Латиф домла деган математика ўқитувчиси бўлар эди. Болалар орасида «уйқучи» номи билан ғалатмашҳур эди. Уз дарсини канда қилмас, аммо шу билан математикага ҳеч кимни ҳам жон-жаҳди билан қизиқтириб улгурмади, чоғи. Ҳозир эсласак, нафақат бизнинг синфимиздан, ҳатто мактабимиздан кўп йиллар дурустроқ бир математик олим, ёки математикага қизиққан одам чиқмабди. Мана бу ўзи бўларчиликнинг типик нусхаси ва унинг меҳнат маҳсули натижаси.

Аммо мактабимизда яна бир ўқитувчини яхши эслаб қолганмиз. Қизлар, у кишининг ранги ҳам совуқроқ бўлгани учун бўлса керак, товуш чиқармай «кўлбар» дейишса, ўғил болалар баралла «гестапо», дер эди. Биология, зоология фанларидан дарс берарди. Аммо, ўзича ўйласа керакки, ушбу фанлардан бошқа мактабда фан йўқ, деб. Мактабнинг ички қонун-қоидаси бажарилишини қўлига тушган боладан, батартиб олмон офицеридан ҳам даҳшатлироқ қилиб талаб қилар эди.

Шунинг учун ҳам бу домланинг дарсларидан ёдимизда, фанининг қизиқ томонлари эмас, у кишининг ичакузди қилиқларитина сақланиб қолган, холос.

Аммо мактабимизга бизлар олтинчи синфда ўқиётганда институтни битириб, физика ўқитувчиси бўлиб Даврон ака келди. Ёш, ғайрати ичига сиғмай, бутун вақтини болалар билан ўтказишга тайёр бу ўқитувчини ҳаммамиз бирдан севиб қолдик. Дарсликлар доирасидаги машқларни кўпинча илгарилаб кетиб бажарар эдик, қўшимча манбалар қидирар, ҳатто мактаб имкониятидан чиқиб қайбир модель ва макетларни ясар эдик.

Қизиғи шундаки, Даврон акани ҳали ҳамон уч-тўрт ўртоқ йиғилсак, эсламай қолмаймиз. У домланинг издошлари, яъни орамизда физиклар ҳам анчагина.

Мана буниси эса, уша ижод ва имкон, қоида ва эркинлик борасидаги мактаб доирасидан олинган ёрқин мисолдир.

Мана, оила тарбия ўчоғи, деган фикрни ҳам бир қадар ёритдик. Инсон ўз тарбиясини ўз «инида» олишини ва бу тарбия мактабда фақат давом эттирилиши ва айниқса, оилада олинган ўқув ва қуникмалар мактабда ўқитувчилар назорати остида амалиётга чиқишини қайд қилдик, холос.

Шу ўринда айтмоқчимизки, оила ва яхши инсонлар истиқомат қилаётган жойни кошона дейишади. Кошона сўзи асли бизнинг тилимизга форс тилидан кириб келган бўлиб, уй-жой, кичкина хона, ҳатто ин маъносини билдиради. Аммо, бу сўз фақат бизнинг тилимиздагина қаср, сарой, маҳобатли бино, гўзал маконни билдиради. Шундай экан, биз бу бу кошонада болаларимизни ушбу қасрга лойиқ инсонлар қилиб тарбиялайлик.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

* (Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Imom al-Buxoriy tavalludining 1225 yilligi oldidan

УЛУҒ МУҲАДДИС

Ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб номланган 4 жилдли ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадислари орасида энг ишончлиси ва мукаммалидир. Ҳадислар тўплаш соҳасида улар асос солган йўналиш «саҳиҳ» йўналиши деб номланиб, бундай тўпламларга фақат тўғри ва ишончли ҳадислар жамланган.

Имом Бухорийнинг ислом оламида Қуръони Каримдан кейин иккинчи муқаддас китоб ҳисобланмиш «Ал жомиъ ас-саҳиҳ» асарига 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг саҳиҳ ҳадислар киритилган. Ушбу тўпламдаги ҳар бир ҳадисда ровийлар (ҳадис айтиб берувчилар)нинг исмлари ҳам айтилган. Бу китоб Миср ва бошқа бир қанча араб давлатларида кўп марта нашр қилинган. Ҳадислар инсонларда ҳалоллик, ростгўйлик, одоб-ахлоқ билан бир қаторда илмга муҳаббат ҳам уйғотувчи манбадир.

«Ал Жомиъ ас-саҳиҳ» асарининг биринчи жилд иккинчи китоби «Илк китоби» деб номланиб, унда илмнинг фазилатлари тўғрисидаги 54 бобдан иборат ҳадислар жамланган. Дастлабки ҳадис Оллоҳ таолонинг қуйидаги ояти карималари билан бошланади: «Оллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилгайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир. Оллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардордир», дейилган. Яна бир ояти каримада эса: «Ё раббий, илмимни зиёда қилгайсан, деб сўра», дейилган.

Ҳаётда бирор ишни қилишдан ҳам, сўзлашдан ҳам аввал илм даркорлиги тўғрисидаги ояти карималарнинг бирида: «Билгил, Оллоҳ яккаю ягонадир», деган жумлани ҳам «бил» сўзи билан бошлаган. Олимлар — пайғамбарларнинг меросхўрлари илмни пайғамбарлардан ўрганишади. «Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибдир», деган ҳадисда ҳам илм олишни афзаллиги уқтирилган. «Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир», дейилади муқаддас ҳадисларнинг бирида.

Илму ҳикматни орзу қилмоқ ҳақидаги ҳадисларнинг бирида: «Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи вассалламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Жаноб Пайғамбаримиз: «Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири — кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берсаю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси — кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса», деганлар.

Ҳаётда илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқнинг фазилати ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: «Оллоҳ таоло менга юборган ҳидоят сингари илм ҳам кўп ёққан ёмғирга ўхшайди. Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонларини ва экинларини суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартирмайдир. Буларни қуйидагича муқояса қилиш мумкиндир. Бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, одамларга ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир».

Илмга эътиборсизлик ва нодонликнинг авж олиши борасида эса қуйидагича ҳадис келтирилади: «Илмга эътиборсизлик, нодонлик, ароқхўрлик ва зинокорликнинг оммавий тус олмоғи қиёмат аломатларидандир».

Илм ўргатиш, ўрганиш йўлидаги кишининг тушунарли бўлсин учун ҳар бир гапни 3 марта қайтариши афзаллиги, киши ўз оила аъзоларига таълим бермоғи, эшитганини яхши эгалламоғи учун такрор сўраши, жим туриб қулоқ солиши жоизлиги, илм олишда сабрли бўлмоғи ҳақида ҳам пурмаъно ҳадислар келтирилган.

Бу йил улуғ ватандошимиз имом ал-Бухорий таваллудининг муборак 1225 йиллиги нишонланмоқда. Мустақиллик шарофати туфайли буюк бобокалонимизнинг номлари улуғланаётгани, ҳадислари она тилимизда онгимизга жо бўлаётганига Оллоҳга минг бора шукрлар бўлсин. Имом ал-Бухорийдек зоти шарифнинг пок руҳлари илм олиш ва уни ўргатишдек иймон йўлидаги фаолиятимизда ҳаммамизга мададкор бўлсин.

Р. ТУРҒУНБОЕВ,
ТВДПИнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини,
Л. ЖЎРАЕВА,
ТВДПИ маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи

Қарши давлат санъат билим юртида бугунги кунда 284 та талаба таълим олади. Билим юртининг мавжуд ўнта бўлимида уларга йигирмадан ортиқ касб-ҳунар бўйича сабоқ берилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда зардўзлик касбини ўргатиш бўлими иш бошлаган эди. Айни пайтда янги бўлимда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг бир қанча ёшлари зардўзлик сир-асрорларини қунт билан эгаллашмоқда. Уларга бухоролик зардўзлардан бу ҳунарни ўрганиб қайтган педагог-уста Гулшан Қурбонова устозлик қилмоқда. Бежирим нақшларни эса билим юртининг наққошлик гуруҳи талабалари тайёрлаб беришяпти.

Келгусида билим юрти ҳузурида атлас ва адрас тўқиш, кандакорлик, заргарлик бўлимларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Билим юрти директори (ўртада) Олим Ишов талабаларнинг ижодий кўргазмасига қўйилган буюмларни кўздан кечирмоқда.

2. Ёш зардўзлар (чапдан) Нафиса Неъматова ва Маъмура Худойбердиева иш устида.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

Tadbir

ШОИР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Хабарингиз бўлса бу йил андижонлик нозиктаъб шоир Тўлан Низомнинг 60 йиллик юбилейи нишонланади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетининг мактабгача тарбия, бошланғич таълим услубиёти факультетларида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Филология фанлари номзоди, доцент Мамасоли Жумабоев шоирнинг ижоди ҳақида талабаларга сўзлаб берди.

Маърузачи Тўлан Низомовнинг устоз Миртемир хотирасига бағишлаб ёзган «Мажнунтол йиғиси» достонига, «Сайланма» тўпламидан ўрин олган шеърларига юқори баҳо берди.

Талабалар Тўлан Низом шеърларидан, достонларидан парчалар ўқидилар. Бу тадбир шеърият ва адабиёт байрами руҳида ўтди.

Раҳмон АЛИ

Qadriyatlarimiz

НАҚШЛАРДА ҚАЛБНИНГ ТАСВИРИ

Шеробод Сурхон воҳасининг фахрланишга арзигулик, ҳавоси мусаффо, замини бой, гўзал туманларидан бири ҳисобланади. Қуёши тик бу юртнинг қалби дарё, феъли кенг, танти халқи бор. Шерободликларнинг бағри кенглигини нафақат уларнинг қалблари, балки ҳовлилари ҳатто эгнида кийиб юрган либослари ҳам исботлаб туради.

Шеробод тумани узининг кўҳна тарихига эга. Буюк ипак йўли ва яна исломнинг юртимизга кириб келиши, ёхуд Буюк Темур давлати билан боғлиқ қатор тарихий битикларда Шерободнинг номи қайд этилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Биз яқинда Шерободда бўлган кунимизда мезбонлар бизни Шеробод миллий касб-ҳунар лицейига бошлашди.

Узини ушбу касб-кор мактабининг директори деб таништирган Муҳаббатхон опа Жўраева ўзларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовинлари Насибахон Дадаевани чақиртирдилар, ҳаммамиз бир бўлиб, хонама-хона, залма-зал лицейда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

... Зардўзлик хонаси. Хона шарқ халқлари миллий зардўзлик санъати намуналари асосида шунчалар гўзал ва ораста қилиб безатилганки, ҳеч сўраб ўтирманг. «Мана булар қуёв тўранинг зар тўн ва белбоғлари, дўппилари. Мана бунисн эса келинпошшанинг зар камзуллари, никоҳ рўмоллари, — тушунтира бошлади Муҳаббатхон опа. — Мана бу безакни ҳам тўй куни келинпошша пешонасига тилла қош ўрнида боғлайди... Мана бунисини эса бўйнига тақади... мана булар эса никоҳ кечасида келин ва қуёвнинг қўлларида тутиб турилади ган қўлрўмолчалар...» Кўз ўнгимда шарқона зархал либосларда ораста кийинишган келин-куёв намоён бўлди... Қаранг, улар қанчалар гўзал ва тантанавор туришибди. Базм аҳли уларнинг чиройларига тасаннолар айтишяпти. Узоқ-яқиндан кузатиб турган болаларнинг ҳам юзларида ҳис-ҳаяжон...

— Маҳаллий газеталарга эълонлар ёзиб, мана шу либосларингизни келин-куёвларнинг никоҳ кечаларига фойдаланишга бермайсизларми? — сўрайман директор ва муовин опалардан.

— Ҳа, ушбу либосларимиздан келин-куёвлар ижарага олишиб фойдаланишаяпти, — дея жавоб беришди улар. — Рости, бу либосларимизга талаб борган сайин ошиб бораяпти. Бу либослар ёшларимизга ҳам, ота-оналаримизга ҳам маъқул бўлаяпти, сотиб ҳам олишаяпти...»

Навбатдаги хонадаги зарҳал безаклар берилган тумор гилофлари термаси диққатимни ўзига тортди. Қаранг, улар қанчалар гўзал, қанчалар мафтункор ясалган...

Талаба қизлар ростданам уларни меҳр билан тикишибди, мафтункор безаклар туширишибди...

Шеробод миллий касб-ҳунар лицейида амалга оширилаётган ибратли ишлардан кўнглимиз тўлди. Бу ерда дурадгор, ёғоч ўймакори, тикувчи ва тўқувчи, миллий зардўзлик, попончилик, оёқ кийимларини тикувчи ва таъмирловчи, ҳисобчилик, автомобиль тузатувчи уста каби ўнга яқин касб-кор бўйича таълим олаётган 500 нафарга яқин талабалару, 60 нафарлик бутун жамоа аҳлидан хурсанд бўлдик.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Iqtisodiy bilimlarni o'rganamiz

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани иқтисодиёт олий ўқув юртлари факультет ва бўлимларида махсус фан сифатида ўрганилади. Аммо сўнгги йилларгача бу фан эски, асосан рус тилида ёзилган китоблардан ўқиб келинди.

Ниҳоят, бизнинг халқимиз ҳам мустақиллик шабадаларидан баҳраманд бўлди. Куклимизга шамол тегди. Шунинг шарофати ила ўзимизда ҳам мустақил равишда китоблар, дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш имкони туғилди.

Ана шундай китобларидан бири Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодий тарих» кафедраси ходимлари томонидан ёзилди ва Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти томонидан 1997 йилда чоп этилди. Қўлланма профессор Абдухалил Раззоқов, доцентлар Шуҳрат Тошматов ва Низомиддин Ўрмоновлар томонидан тайёрланган. Китоб (446 бет) муқаддима, кириш, 15 боб, хотима ва изоҳдан иборат, ҳар бобда хулоса, назорат учун саволлар берилган. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатлари ҳақида берилган маълумот қизиқарлидир.

Китобда қадимги даврдан то ҳозирги давргача пайдо бўлган иқтисодий фикрлар, ғоялар, қарашлар ва уларнинг бугунги кундаги тарихий аҳамияти изчил кетма-кетлик асосида ёритилган.

Турғунлик йиллари ҳукмронлик қилган синфийлик, партиявийлик тамойилларидан холи ҳолда, ҳар бир таълимотнинг моҳиятига холис баҳо беришга ҳаракат қилинган. Айниқса, бозор иқтисодиёти тўғрисидаги таълимотларга кенг ўрин берилган.

Китобда, шунингдек, Марказий Осиёдаги донишмандлар (Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқалар)нинг ғоялари биринчи марта маълум тартибда эълон қилинмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг эркин бозор муносабатларига ўтиш хусусиятлари ҳам боблар орқали аниқ маълумотлар асосида кўрсатиб берилган.

Қўлланма талаба, аспирант, илмий ходимлар ва иқтисодиёт тарихи билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

Мухбиримиз

Ўзбек тили! Нақадар гўзал ва жозибадор тил. Онанинг оппоқ сути, унинг пурмаъно алласи билан инсоннинг қонига, жонига сингиб кетадиган она тилимиз нақадар суюкли, нақадар муқаддас. Сиз, ҳаётингизда хорижликнинг ўзбек тилида гапирганини бирор марта эшитиб завқланганмисиз? Мен эса яқинда хорижлик бир жанобнинг ўзбекчада равон сўзлашувини тинглаб, юрагим завққа тўлди, уни мароқ билан тингладим. Шунда тилимизнинг гўзаллигига яна бир карра иймон келтирдим.

E'tibor

ҲАҚИҚИЙ ОМАД ДИЛДАН ЎҚИШДА

Ёш ва серғайрат, дилкаш ва самимий суҳбатдошим, «Амероз Индустриес» ўзбек-америка қўшма корхонаси сертификат ҳисобчиси Кейз Стокелд (ўзбекча исми Ботирбек) бўлди. Суҳбатимиз самимий кечганиданми, расмий мурожаатларга ўрин бўлмади.

— Кейз ака, дастлаб ўзингиз, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Мен Америка Қўшма Штатларининг Техас штатида химик-инженер оиласида туғилганман. Оилада мендан ташқари отам, онам, синглим ва акам бор.

Аустинд шаҳрида жойлашган Техас университетининг бизнес факультети бухгалтерия бўлимида таҳсил олганман. Оиламиз Далас шаҳрига кўчиб кетгач, ўша ердаги бухгалтерлик фирмасида 9 йил ҳисобчи бўлиб ишладим. 1993 йил юртингизга келганимда «Марказий Осиёга беғараз ёрдам» ташкилоти орқали Тошкентдаги жаҳон тиллари университетида икки йил бизнес фанидан дарс бердим.

Ҳозирда ўзимнинг оилам — хотиним ва ўғлим бор. Иккинчи фарзандимизни кутяпмиз.

— Ўзбек тилини қачондан ўргана бошлагансиз, сизнингча тилни осонлик билан ўзлаштиришнинг сири нимада?

— Дарвоқе, ўзбек тилини ўрганишни Тошкентга келган йилим, 1993 йилдан бошлаганман. Ўшанда Тошкентдаги жаҳон тиллари университети қошидаги Тил ўргатиш марказида илк бор чет элликлар учун ўзбек тилини ўргатиш курслари очилганди. Мен Тил марказида ўқидим, қолаверса ўзбек тилини осонлик билан ўрганишимнинг яна бир сабаби, бир йил ўзбек оиласида яшаганим бўлди. Бу оиладаги муҳит мени тилдан олаётган билимимни яна ҳам мустаҳкамлади. Қанча кўп муомалада бўлсангиз, тилни ўрганишингиз шунчалик тез бўлади, менимча.

— Ўзбекистонда сизга ёққан нарсалар нималардан иборат бўлди?

— Тошкентда, маҳаллада турамиз. Миллий урф-одатларингизни ёқтираман. Мен ҳозирги кунгача Мексика, Канада, Германия, Югославия, Болгария, Венгрия, Малайзия, Покистон ва Россия каби дунёнинг турли мамлакатларида бўлдим. Лекин у ерларда ўзбекнинг дастурхонидек тўкин дастурхонни, меҳмондўстликни кўрмадим. Бизда (АҚШ) ва Ғарбда кишилар кўпроқ ишга эътибор беришади. Ўзбекистонда эса асосий эътибор оилага, дўстларга бўлар экан. Бу ҳам менга жуда ёқди.

Мен Ўзбекистонда Янги йил, Наврўз, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Мустақиллик байрамларида ёзиладиган тўкин-сочин ўзбек дастурхонини яхши кўраман.

— Ўзбек миллий таомларидан ёқтирадиганларингиз?

— Мен ўзбекона таомлардан манти, палов, кўк сомса ва қовурма лағмонни севиб танаввул қиламан.

— Сизда ҳам бўш вақт бўладими? Бўлса...

— Албатта, киши ишлагандан кейин дам олишни ҳам билиши керак. Мен вақт топдим дегунча ўзбеклар билан дўст тутинишни, гитара чалишни (гитарани янгангиз ҳам яхшигина чалади), Чимёнга чиқиб, чанги учишни яхши кўраман.

— Яқин келажакдаги режа ва мақсадларингиз?

— Ҳали жаҳон тиллари университетида талабаларга дарс бериб юрган чоғларимда Тошкентда маҳаллий бухгалтерия фирмасини очиш фикри пайдо бўлган эди. Нега десангиз ўз иқтисоди билан жаҳон саҳнасига чиқаётган Ўзбекистон учун эскидан қолган ҳисоб-китоб тизимидан тезроқ воз кечиб, янгича жаҳон талабларига мос ҳисоб усулларини қўлламоқ зарур.

Фирманинг фаолияти янгича бухгалтерлик хизмати ва бошқа бизнесга доир маслаҳатлар беришга асосланади. Уни мени ўзим бошқармоқчиман.

— Кейз ака, дунё кўрган ва кўп ўқиган киши сифатида илм талабгорларига нималар деган бўлардингиз?

— Ҳақиқий омадни кўрмоқчи бўлсангиз, дилдан ўқишингиз керак бўлади. Берилиб ўқимаганлар, ҳақиқий омадни топа олмайди. Худо бизга кўп қобилиятларни берган. Бизлар у қобилиятларни ишлатишга жавобгардирмиз.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири

ЯШАШ ЖАСОРАТИ

Йиллар... бесабр тулпорлар. Улар қўним билмайдилар. Ҳаёт деган довон узра елаверади — елаверади... Шу тулпорлар туёғидан кўтарилиб қоладиган тўзонларга, тарих дейилади, ўтмиш деб исм қўйилади.

Дунёда неки бор барчасининг дояси вақт. Ҳеч бир куч вақт салтанатини ғорат этолмайди. Фақатгина, вақт кўнгил эҳромларидан, эзгуликдан, садоқатдан, одамийликдан мағлуб бўлади. Покиза кўнгил эҳромлари мангу ва мангу.

Бизнинг кўнглимизда кечаётган дунёнинг бу хил саболари, аслида бошқа бир соҳиби кўнгилдан кўчирма, холос. Ўша инсон бугун ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаётган дилбар аёл, меҳрибон устоз Лола опа АБДУШУКУРОВА бўлади.

Лола опа айни чоғда республика Давлат Жаҳон тиллари университетида француз тили фонетикаси кафедраси мудири вазифасида фаолият қилаяпти. У ўтган умрининг қирқ йилини педагогика соҳасига бахшида этди.

Биласизми, аслида инсоннинг яшаши учун жудаям кўп нарса керак эмас. Бироқ ҳаётда кўп нарсалар қилиш учун кўнгилдагидай яшаш керак. Борди-ю, шу ақидага фикримиз ростданам собит бўлса, демак, Лола опанинг олтмиш йиллик умри бекор кетган эмас. Опанинг шу ўтган довонига назар этсак, шундай воқеалар гувоҳи бўламиз: Лола опа ўрта мактабни тамомлагач, 1954 йил ТДЧПИнинг француз тили куллиётига ўқишга киради. Сўнгра 1959—1962 йилларда Москва Давлат педагогика институтида таҳсил олиб қайтади. Ва шу нуқтадан унинг педагогик фаолияти бошланади. У кўплаб илмий-педагогик рисолалар муаллифи. Хусусан Ромен Роллан ижодига бағишланган бир неча француз филологиясига, француз тили стилистикасига оид назарий маърузалар, матн таҳлилига оид библиографик тўплами, III босқич талабалари учун Француз тили дарслиги ҳамда илмий дастурларнинг муаллифидир.

Арабларда бир маъноли гап бор. «Улуғвор мақсад олдида турганингда, меҳнатни роҳат бил». Бугун Лола опа меҳнатининг роҳатини кўраяпти. Унинг роҳати шогирдлари, китоблари.

Аслида инсон қачон бахтли бўлади? Бахтнинг ранги қанақа? Манзили қаер? Бизнингча мана шу ҳақли саволларга Лола опа Абдушукурованинг таржимаи ҳоли, олтмиш баҳори, олтмиш йиллик узун умр сарҳади жавоб бўлса керак.

Дарҳақиқат, Лола опани юзлаб шогирдлари номидан бугунги қутлуғ ёши билан қутлаймиз. Ростини айтганда, гапларимизнинг аввалидаёқ шу фикрда эдик. Бироқ йўл-йўлакай устознинг нигоҳларимиздаги сийрати, қиёфаси мавзудан андак четлашга даъват этиб турди.

Толмас ЖЎРАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Жорий йилимиз бошларида республика аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш, аҳолининг турли қатламларида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, спортнинг волейбол ва баскетбол турларини оммавийлаштириш мақсадида «Камолот» жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси,Касаба уюшмалари федерацияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси, Миллий Олимпия қўмитаси қўшма қарор қабул қилган эдилар. Мазкур қарорнинг халқ таълими тизимига тегишли қисми қай тарзда бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Раҳматулла Саломовга мурожаат қилдик.

«КАМОЛОТ» СОҒЛОМЛИККА УНДАЙДИ

— Мазкур қўшма қарор ва халқ таълими вазирининг 12 февраль 1998 йилдаги 32-сонли буйруғига асосан халқ таълими тизимида «Камолот» жамғармаси кубоги учун волейбол ва баскетбол бўйича турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиби белгиланганди. Унда барча вилоят халқ таълими бошқарма бошлиқлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар резерви мактаб директори ва бошқа масъул кишилар киритилган.

Мусобақаларнинг оммавийлигини ошириш мақсадида ҳар бир вилоят, туман, мактабларда чора-тадбирлар ишлаб чиқилган булиб, бугунги кунда волейбол ва баскетбол ўйинларининг 1-тури жойларда ўтказилаяпти. Улар асосан икки гуруҳ — халқ таълими тизимидаги ўқувчилар ва ўқитувчи-ходимлар ўртасида ўтказилмоқда.

Ҳудудлараро мусобақалар ўтказилиш тартиби қуйидагича булади. 1981—1982 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида волейбол ўйинлари 25 мартдан 28 мартгача Андижон, Наманган, Фарғона учун Фарғонада, Сирдарё, Жиззах, Тошкент шаҳри ва вилояти учун Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилояти учун Хоразмда, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун Самарқандда ўтказилади.

Баскетбол мусобақалари ҳам минтақавий тарзда ўтказилади. Ўйинлар волейбол ўтказилган шаҳарларда 29 мартдан 4 апрелга қадар булиб ўтади.

Халқ таълими тизимидаги ўқитувчи-хизматчилар ўртасида ўтказилаётган «Камолот» турнири волейбол бўйича 4 майдан 7 майга қадар, баскетбол бўйича эса 8 майдан 11 майгача Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари учун Андижонда, Жиззах, Сирдарё, Тошкент шаҳри ва вилояти учун Олмалиқда, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари учун Бухорода, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун Қарши шаҳрида ўтказилади.

Ўқитувчи-ходимлар ўртасидаги мусобақалар волейбол бўйича 16 июнда Жиззах ва Чирчиқ шаҳарларида, баскетбол бўйича эса 20 июнда Андижон ва Гулистон шаҳарларида булиб ўтади. Мусобақаларнинг энг сўнгги босқичи сентябрь ойида якунланади.

Суҳбатни Н. ОЧИЛОВ ёзиб олди

O'zbekiston qo'shiq bayrami

ОЗОД ЮРТ БОЛАЛАРИ КУЙЛАЙДИ

Тирикликнинг мезони нима? Ёхуд яшашнинг-чи? Қаршимиздаги бу вазни оғир саволнинг енгил бир жавобини тубандаги жумлалардан излаймиз. Гарчи бизнинг деганларимиз бир қаращда воқеий мужда расмини зоҳир этса-да, андак диққат қилсангиз қулоғингизга айрича маъниларни ҳам шипшиб ўтади.

Эсингизда бўлса, бундан роппа-роса икки йил муқаддам Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Шу орадаги икки йиллик масофада бу танловнинг номи бир оз ўзгарган бўлсада моҳият ҳануз ўз рангида... Алқисса, қарорнинг ижроси ҳар йили катта-катта саҳналарда намойиш этилмоқда. Хусусан республика Халқ таълими вазирлиги бу қарорнинг ижросида ўзига хос ташаббуслар муаллифи кўринади. Яъни...

Ҳар қалай қўшиқлар танлови бўлгандан кейин янги қўшиқларсиз ўтмайди. Демак, бу дегани ҳар йили янги-янги қўшиқлар, мусиқалар туғилаверади. Шу важдан республика Халқ таълими вазирлиги ҳар йили фақат янги болалар қўшиқларини гулдаста қилиб — китоб шаклида нашр эттираяпти. Бугунгача «Ўзбекистон Ватаним маним» номли иккита жамланма — китоб чиқарилди. Биз даъват қилардик — ҳамма халқ таълими тасарруфидаги муассасалар шу китоблардан муносиб жой олишга шошилишса. (ХТВ Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевнинг айтганлари эди бу).

Худди шу савобли иш бу йил ҳам давом этадиган бўлди. Кеча республика Таълим марказида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалага бағишланган эди. Кенгашда таниқли болалар шоирлари, бастакорлар, санъаткорлар иштирокида, бу йил чиқиши мўлжалланган китобга кириши керак бўлган қўшиқларнинг муҳокамаси бўлди. Ушбу танлаш маросимида ўттиз саккизта янги болалар қўшиқлари кўриб чиқилиб, шуларнинг йигирма саккизтаси китоб учун танлаб олинди. Бу дегани бу йил ҳам яна ўн минг нусхада янги қўшиқлар гулдастаси пайдо бўлади.

Энди айтадиган хулосамиз битта: қайси юрт осмони тиниқ бўлса, тинч бўлса, болалари куйлайди. Болалари куйлаяптими, у халқнинг кунглида қўшиқ учун жой бор. Кунгил қўшиқлар манзилига айландими, демак, ҳали эзгулик бор, эртага ишонч бор.

Ҳадемай, ушбу саралланган қўшиқлар гулдастасидан кичкинтойларни газета орқали бахраманд этиш ваъдасини ҳам берамиз.

Алишер НАЗАР

Xullas...

13 ХОСИЯТЛИ РАҚАМ

Кўпчилик 13 ни бехосият рақам деб ўйлайди. Лекин бу рақам билан боғлиқ ижобий ҳодисалар ҳам содир бўлар экан.

Курган вилоятидаги Половинное қишлоғида яшовчи Козловлар оиласида ўн учинчи фарзанд дунёга келди. Чақалоққа Кристина деб ном қўйишди.

Хўш, бу воқеани ким қандай қабул қилди? Баъзиларнинг «Бу эр-хотин мунчалик серпушт бўлишмаса!» деб энсалари қотди. Айрим қўшнилари, 1,5 яшарлик невараларига буви-бувалик қилиб юришса бўлмасмикан, деб қўйишди. Лекин кўпчилик бу серфарзанд оилада туғилган галдаги фарзандга узоқ умр тилаган ҳолда, эр-хотиннинг бир-бирларига муносабатлари илиқ ва самимий эканлигини эътироф этишди. Яна шуниси ҳам борки, шунча фарзандни Любовь Давидовна ва Геннадий Иванович давлатнинг ёрдамисиз вояга етказишди. Социал таъминот идораси олдида уларни ҳеч ким кўрган эмас. Ота — қўли гул уста, шофёр, пешона тери тўкиб, пул топишни билади.

Болажон деб ана шундай оилаларни айтса бўлади...

ЧЎЛ БЎРОНИНИНГ ХУРУЖИ

Табиий офатдан худонинг ўзи асрасин!

Аммо начора, табиат кўп ҳолларда инсоният қаршисида ўзининг даҳшатли офатларини содир этиши мумкин.

Яқин Шарқда кишиларга кўз очирмайдиган қум бўрони бундан 50 йил муқаддам рўй берганди.

Яқинда эса Сахрои Кабирдан кўтарилган чўл бўрони Миср, Ливан, Иордания, Сурия, Исроил ва Кипр давлатларининг катта-катта ҳудудларини қоплаб олди. Табиий офат оқибатида 4 киши ҳалок бўлди, 29 киши оғир шикастланди. Чўл бўрони содир бўлган жойларда кўриш масофаси 200 метргача пасайди. Айни вақтда транспорт ҳаракатига ҳам бунинг салбий таъсири сезилмоқда.

Дарвоқе, бу галги табиат хуружидан Ироқ давлати омон қолди...

АЙЗЕК АЗИМОВНИНГ КИТОБЛАРИ

Машҳур ёзувчилар ёши улғайган сари кўп ва мукаммал асар яратишларини эътироф этишимизга тўғри келади. Таниқли Америка фантаст ёзувчиси Айзек Азимов ҳам сермаҳсул ёзувчи бўлган. Йиллар ва улар орасида яратилган асарларига эътибор бериб кўринг-а!

1960-70 йиллар мобайнида 75 та, 70-80 йиллар давомида 109 та, 1980—88-йиллар орасида 192 та китоб ёзган. Булардан ташқари, Айзек Азимовнинг илмий характердаги мақолалари 30 йил мобайнида ойномаларда босилиб турган. Фантастик ойномага муҳаррирлик қилган ёзувчи унинг ҳар бир сонига мақолалар бериб турган. Ёзувчи ҳаётига дахлдор бир гапни айтсак, ишонмайсиз. Нуқул коинот ҳақида ижод қилган ёзувчи баландликдан бениҳоя қўрқар экан. Уни самолётда ҳам учмаган дейишади...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмусида 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Наврўз» шаҳар мусобақаси давом этмоқда. Республика теннисни ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан уюштирилган ушбу мусобақа бугун ниҳоясига етади.

ҒОЛИБЛАР ВА МАҒЛУБЛАР

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига командалари ўйинлари тобора авж олмоқда. Шу кунга қадар ўтказилган учрашувларда «Нефтчи», «Навбаҳор» ва «Трактор» командалари 6 тадан очкони қўлга киритди. «Темирйўлчи», «Металлург», «Сурхон» командалари эса бирорта ҳам очкога эга бўла олмадилар. Учинчи катакчада эътиборингизга турнир жадвалининг юқорисидан уч ғолиб ва пастидан учта мағлуб жамоаларнинг умумий ҳисоб китобини ҳавола этамиз:

Ғолиблар:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Нефтчи»	2	2	0	0	5-0	6
«Навбаҳор»	2	2	0	0	4-0	6
«Трактор»	2	2	0	0	3-1	6
Мағлублар:						
«Темирйўлчи»	2	0	0	2	2-5	0
«Металлург»	2	0	0	2	0-3	0
«Сурхон»	2	0	0	2	1-5	0

ФУТБОЛДАН САНЪАТГА

Бразилия терма командасининг собиқ аъзоси Жониор (Лиус да Гама) зўр бир қўшиқ айтди. Футбол мутасаддилари бу қўшиқни терма командининг расмий гимни сифатида қабул қилдилар. Энди Жониор кейинги жаҳон чемпионатида футболчи эмас, балки санъаткор сифатида қатнашади.

МАРАДОНАНИНГ ЎҒЛИ НЕЧА ЁШДА?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг «қирол»нинг Италияда никоҳсиз туғилган ўғли 12 ёшга тўлди. Марадона тўп сурган «Наполи» (ёшлар) командаси 12 ёшли бу болакай билан шартнома имзоладилар. Ёмони шуки, Марадона бу фарзанди учун алимент тўламай қўйган эди. Суд «қирол»ни катта миқдорда жарима тўлашини талаб этмоқда.

Qutlov

АЗИЗ УСТОЗИМИЗ ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ!

Сизни умрингизнинг 50-баҳорини қаршилаганингиз муносабати билан қизғин муборакбод этамиз. Сизга оилавий бахт-саодат, илму фан тараққиёти йўлидаги заҳматли ва шарафли ишларингизда янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Сизга, устоз, соғлик бирла
умри бақо керакдур,
Бизга сиздек бир меҳрибон
ҳамда устод керакдур.

Эллик ёшга мангу ҳаёт
йўлин излаб борурсиз
Ушбу йўлда Сизга бардош,
бизга вафо керакдур.

ҲУРМАТ БИЛАН ШОГИРДЛАРИНГИЗ.



Муҳтарам Ёлғош Абдураҳмонов!

Сизни таваллуд айёмингиз — муборак 50 ёшингиз билан ва педагоглик фаолиятингизга 25 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ҳаётингиз ва ишларингизда бахт, омад ёр бўлсин.

Жиззах вилояти Фориш туманидаги 68-ўрта мактаб жамоаси ва фарзандларингиз

Ko'ngil bitiklari

Қўнгил — эрка туйғулар маскани. Унда пок-покиза ҳислар бор. Уларнинг биринги исми — Шеър.

Шеър ёзиш учун шоир бўлиш шарт эмас. Бу жумла бир қараганда кишига ғалатироқ туюлади. Бироқ... ана умрини физика-математика фанига бағишлаган домла Раҳматхўжа РУСТАМОВ ҳам кўплаб ўтли ашъорлар муаллифи-ку! Иштибоҳ этсангиз мана ўқинг... Фақат сиз ҳам бир баҳиянгина ўзингизни физиклар оламида дея ҳисобланг.



ЭРКИНГ АБАДИЙ

Инсонлар бахтини ўйлар фозиллар,
Юртимнинг иқболи — мактаблардадир.
Азиз тупроғимда очилди гуллар,
Дилларда қолмади заррача ғубор.

Ватан қудрат топар, билимлилардан,
Ватанинг ишончи фикрли ҳар ёш.
Саодат манзили юз очар, порлар,
Ёшлар — осмонимда порлаган қуёш.

Илм эъзозланган юрт фаровондир,
Олими кўп халқни енголмас душман.
Муаллим чароғон йўлга етаклар,
Дунёга танила бошлайди Ватан.

Қувонгил, камолинг юксакка етар,
Эзгулик юксакдир, олимлик боқий,
Инсон номи улуғ, азиз юртдошлар,
Фириблар ўткинчи, эркинг абадий.

Раҳматхўжа РУСТАМОВ

Sport

ШАХМАТ АҚЛЛАРНИ ПЕШЛАЙДИ

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар-ўсмирлар шахмат ва шашка спорт мактабида эркаклар ўртасида шахмат бўйича Самарқанд вилояти биринчилиги мусобақаси булиб ўтди. Мусобақада 40 дан ортиқ шахматчи иштирок этди. Шулардан 12 нафари спорт усталигига номзод шахматчилар эди.

Мусобақа швейцарча тарзда бўлиб, 9 турда ўтказилди.

Биринчи ўринни спорт усталигига номзод пастдарғомлик Маҳмуд Бобомуродов 7,5 очко жамғариб, вилоят чемпиони унвонини қўлга киритди. Мусобақа давомида М. Бобомуродов 7 ғалаба, 1 дуранг, 1 мағлубиятга учради. Ҳозирги кунда М. Бобомуродов Пастдарғом тумани Дангалов жамоа хўжалигида шахмат бўйича мураббийлик қилмоқда. Энди Маҳмуд Узбекистон чемпионати 1-табақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иккинчи ўринни ғолибдан бир очко орқада қолган, 6 1/2 очко жамғарган беш шахматчи эгаллади. Шахмат коэффициентлар жадвалига қараганда иккинчи ўринни ёшлар ўртасида 1997 йилги вилоят чемпиони, вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка спорт мактаби тарбияланувчиси Виталий Баженов эгаллади. Унинг мураббийи, спорт устаси Марат Жумаевдир.

Учинчи ўринни Амрулло Абдуллаев эгаллади. 4—5-ўринларни Алишер Анорқулов, Ғайрат Салимов, Владимир Маркисов эгалладилар.

Ғолиб ва совриндор шахматчилар вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, вилоят халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақада кўпгина умидли ёшлар ҳам иштирок этишиб, таниқли шахматчилар билан дона суриб, ўз маҳоратларини оширдилар.

М. АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

«Quvnoq startlar»

«ОРЗУ»НИНГ ОРЗУСИ

XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси иккинчи босқич беллашувида Фарғона вилоятининг Риштон шаҳридаги 27-мактабнинг «Турон» командаси билан майдонга тушган Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 65-мактабнинг «Орзу» командаси аъзолари дастурнинг илк учрашувиданоқ ўзларининг ғалаба иштиёқида эканликларини кўрсатишди. Лекин кўплаб ўйин қоидаларини бузганликлари учун ҳакамлар ҳайъати уларга 2 очко беришга қарор қилди.

Мазкур беллашувнинг иккинчи дастури — «Мерганлар баҳси»да ургутлик ўқувчилар 10 очкони қўлга киритишди. «Баскетболчи қизлар», «Келинг, ўрин алмашайлик» баҳсларида ҳам «Орзу» командаси аъзоларининг қули баланд келди. «Оқсоқ қарға» дастурида, ниҳоят «Турон» командаси аъзолари ғалаба қозониб, 6 очкони қўлга киритишди.

Қолган бешта учрашувда «Орзу» командаси аъзолари 11 очко, «Турон» командаси спортчилари 10 очкони тўплади ва ургутлик ўқувчилар 37:16 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Биз Ургут туманидаги 65-мактаб директори Давлат Обиловни команда ғалабаси билан қутлаб, спорт соҳасидаги ишлар ҳақида қисқача сўзлаб беришини илтимос қилдик:

— «Қувноқ стартлар» мусобақалари ўқувчиларимиз ўртасида кенг оммалашган. Кўп йиллардан буён улар туман, вилоят мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келаётирлар. 1991 йилда волгоградлик ўқувчилар билан икки марта учрашувда ҳам спортчиларимиз қўли баланд келган эди.

Ўқувчиларимизни бу йилги учрашувларга тайёрлашда жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз Ҳақберди Ғаффоров, Суюнбой Норбоевнинг хизматлари катта. Улар раҳбарлигида спортнинг миллий кураш, классик кураш, самбо ва дзюдо турлари, шунингдек волейбол, баскетбол, футбол ва бошқа турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатиб келаётир.

Командамизнинг номи — «Орзу». Бугун орзумиз ушалиб, ярим финалга чиққанимиздан беҳад хурсандмиз. Галдаги учрашувлар ҳам омадли бўлишини ният қиламиз.

Ғ. МАННОПОВ

Tadbir

ҒОЛИБЛАР ВИЛОЯТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Фарғона вилояти Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказида ўқувчиларнинг анъанавий слёти бўлиб ўтди. Бу тадбир ёшларнинг билимларини синовдан ўтказди.

Данғара туманилик Аббос Эргашев жуғрофиядан билимлари юксаклигини намойиш этди. Шоҳруҳ Ғаниев мусиқа бўйича, она тили ва адабиётдан Беҳзод Жўрабоев, тарих фанидан Одинахон Мирназарова ғолиб бўлдилар.

Биринчиликни қўлга киритган ўқувчилар республикамизда ўтказиладиган «Ўткир зеҳнлилар» мусобақасида қатнашадилар.

Раҳмон АЛИ

Халқ таълими вазирлиги ва республика илмий-педагогика кутубхонаси жамоаси аъзолари кутубхона директори вазифасини вақтинча бажарувчи Рўзмон Келдиёровга отаси

ОРЗИҚУЛ бобонинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг инглиз тили ўқитувчиси Лобар Сафаровага онаси

ЎҒИЛОЙ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, Шайхонтоҳур тумани фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг услубчилар хонаси мудираси

Лола ҒУЛОМОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6